



Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 15 январда қабул қилинган «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги ЎРҚ-78-сон Қонуни мазмун моҳиятини тушунтириш.



Маърузачи: Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бўлими бошлиғи Н.Камилова

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мазкур Қонун «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 2007 йил 15 январдаги ЎРҚ-78-сонли Қонуни билан янги таҳрирда тасдиқланган.



Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 15 январда қабул қилинган «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги ЎРҚ-78-сон Қонуни

- **1-модда.** Оммавий ахборот воситалари
- Газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар, ахборот агентликлари, телевидение (кабелли, эфир-кабелли телевидение) ва радиоэшиттиришлар, ҳужжатли кино, электрон ахборот тизими, шунингдек, доимий номга эга бўлган, давлат тасарруфидаги, мустақил ва бошқа оммавий даврий нашрлар оммавий ахборот воситаларидир.
- Оммавий ахборот воситалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иловалар нашр этиши мумкин.
- **2-модда.** Оммавий ахборот воситалари эркинлиги
- Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситалари эркин бўлиб, улар Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, ушбу Қонунга ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ фаолият кўрсатади.
- Оммавий ахборот воситалари ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқидан фойдаланадилар ҳамда ўзлари эълон қилаётган ахборотнинг тўғрилиги ва ҳаққонийлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

- **3-модда. Сўз эркинлиги**
- Ҳар ким оммавий ахборот воситаларида чиқиш, ўз фикри ва эътиқодини ошқора баён этиш ҳуқуқига эгадир.
- **4-модда. Цензурага йўл қўйилмаслиги**
- Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситаларини цензура қилишга йўл қўйилмайди. Эълон қилинаётган хабарлар ёки материаллар олдиндан келишиб олинишини, шунингдек, уларнинг матни ўзгартирилишини ёки бутунлай нашрдан олиб қолинишини (эфирга берилмаслигини) талаб қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.



- 6-модда. Оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда суиистеъмолларга йўл қўйилмаслиги
- Оммавий ахборот воситаларидан Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват қилиш, уруш ва зўравонликни, шафқатсизликни, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб этиш, давлат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган ўзга сирни ошкор этиш, жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўйилмайди.
- Оммавий ахборот воситалари орқали фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматини таҳқирлаш, уларнинг шахсий ҳаётига аралашиш тақиқланади.
- Прокурор, терговчи ёки суриштирувчининг ёзма рухсатисиз дастлабки тергов материалларини эълон қилиш, муайян иш бўйича суд қарори чиқмасдан туриб ёки суднинг ҳал қилув қарори ёхуд ҳукми қонуний кучга крмай туриб, унинг натижаларини тахмин қилиш ёки судга ўзгача йўл билан таъсир кўрсатиш, номини кўрсатмаслик шarti билан маълумот берган шахснинг номини ошкор қилиш (суд ошкор этишни талаб қиладиган ҳоллар бундан мустасно) тақиқланади.



10-модда. Ахборот манбаини ошкор этмаслик

Оммавий ахборот воситаси хабар, маълумот, факт ёки далиллар тақдим этган манбанинг ёки тахаллусини қўйган муаллифнинг номини уларнинг ёзма розилигисиз ошкор этишга ҳақли эмас.

Оммавий ахборот воситаси ахборот манбаининг ёки тахаллусини қўйган муаллифнинг илтимосига биноан судда унинг номидан иштирок этиши мумкин.

11-модда. Оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш ҳуқуқи

Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Оммавий ахборот воситаси бир неча муассис томонидан ҳам таъсис этилиши мумкин.



Жамоатчилик билан алоқалар бўлими бўйича норматив ҳуқуқий ҳужжатлар

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (29-модда)
- Ўзбекистон Республикасининг Қонуни «Ахборотлаштириш тўғрисида» (12 модда)
- Ўзбекистон Республикасининг Қонуни «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида» (2, 6 моддалар)
- Ўзбекистон Республикасининг Қонуни «Реклама тўғрисида»

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни «Ахборотлаштириш тўғрисида»

- **12-модда.** Ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборотни Интернет жаҳон ахборот тармоғида тарқатиш
- Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан:
- Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват этиш;
- оммавий тартибсизликларга, фуқароларга нисбатан зўравонлик қилишга, шунингдек белгиланган тартибни бузган ҳолда ўтказиладиган йиғилишлар, митингларда, кўча юришларида ва намойишларда иштирок этишга даъват қилиш, шунингдек мазкур ноқонуний ҳаракатларни мувофиқлаштириш;
- жамоат тартибига ёки хавфсизлигига таҳдид солувчи ёлғон ахборот тарқатиш;
- уруш, зўравонлик ва терроризмни, шунингдек диний экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм ғояларини тарғиб қилиш;

- миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатувчи, шунингдек фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи, уларнинг шахсий ҳаётига аралашишга йўл қўювчи ахборотни тарқатиш;
- фуқароларни, шу жумладан вояга етмаган шахсларни уларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига ёхуд ўзга шахсларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига таҳдид солувчи ғайриҳуқуқий ҳаракатларни содир этишга ундашга ёки бошқа тарзда жалб қилишга қаратилган ахборотни тарқатиш;
- қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ўзга ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт.
- Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер:
- ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтига ва (ёки) веб-сайт саҳифасига ёхуд бошқа ахборот ресурсига ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштирилгунига қадар унинг тўғрилигини текшириши, шунингдек жойлаштирилган ахборотнинг нотўғрилиги аниқланган тақдирда, уни дарҳол ўчириб ташлаши;
- ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайти ва (ёки) веб-сайт саҳифалари ёхуд бошқа ахборот ресурсининг, шу жумладан тезкор хабарлар алмашиш тизимларининг мониторингини ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ахборот ва материалларни аниқлаш мақсадида амалга ошириши;

Тошкент шаҳридаги Инҳа университети ахборот каналлари:

Inha.uz -расмий веб-сайти, мунтазам равишда янгиланиб туради. Сайт ижтимоий тармоқлардаги Университет маълумотларининг бошқа барча каналлари учун асосий маълумот манбаи ҳисобланади.

Facebook - 7.5 минг обуначилар Университет янгиликлари, тадбирлар тўғрисидаги янгиликлар, талабалар ҳақидаги маълумотлар Facebook ижтимоий тармоғига жойлаштириб борилади.

Telegram канал, 4.5 минг обуначилар Университет янгиликлари, тадбирлар тўғрисидаги янгиликлар, талабалар ҳақидаги маълумотлар Telegram-га жойлаштириб борилади.

Instagram - 4 минг обуначилар. Университет янгиликлари, тадбирлар тўғрисидаги янгиликлар, талабалар ҳақидаги маълумотлар Instagram ижтимоий тармоғига жойлаштириб борилади.

Яқинда университетнинг **TikTok** саҳифаси очилди (500 та обуначи).



Эътиборингиз
учун раҳмат!

